

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НАСРУЛЛАЕВ ЭЛМУРОД ЖУМАБОЕВИЧ

**XX АСР ЎЗБЕК НАВОЙШУНОСЛИГИДА УЛУҒ ШОИР
ШАХСИЯТИ ТАЛҚИНЛАРИ ТАДҚИҚИ
(ОЙБЕК, ИЗЗАТ СУЛТОН, В.ЗОҲИДОВ ВА М.ОРИПОВ ИЛМИЙ АСАРЛАРИ
АСОСИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents dissertation Abstract the of Philosophy (PhD)

Насруллаев Элмурод Жумабоевич

XX аср ўзбек навоийшунослигида улуғ шоир шахсияти талқинлари тадқиқи
(Ойбек, Иззат Султон, В.Зоҳидов ва М.Орипов илмий асарлари асосида)..... 3

Насруллаев Элмурод Жумабоевич

Изучение исследований узбекских навоиведов XX века по интерпретации
личности великого поэта (на примере научных трудов Айбека, И.Султана,
В.Захидова и М.Арипова) 25

Nasrullayev Elmurod Jumaboevich

Research in the interpretations of the personality of the great poet and its worl view
in the division of the XX century (In an example of Oybek, I.Sulton,V. Zokhidov
and M. Oripov's scientific works)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НАСРУЛЛАЕВ ЭЛМУРОД ЖУМАБОЕВИЧ

**XX АСР ЎЗБЕК НАВОЙШУНОСЛИГИДА УЛУҒ ШОИР
ШАХСИЯТИ ТАЛҚИНЛАРИ ТАДҚИҚИ
(ОЙБЕК, ИЗЗАТ СУЛТОН, В.ЗОҲИДОВ ВА М.ОРИПОВ ИЛМИЙ АСАРЛАРИ
АСОСИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil 533 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Салоҳий Дилором Исомиддин қизи,**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Йўлдошев Бойназар**
филология фанлари доктори

Сулаймонов Мўминжон Юсуфжонович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8 366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz). Самарқанд давлат университети, Бош бино 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8 366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

А.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати. Замоनावий жаҳон адабиётшунослигида маданият ва санъат тарихи, хусусан, шарқ адабиёти, унинг йирик вакиллари ҳаёти ҳамда ижодига бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Дунё тамаддуни тарихида Шарқ халқлари, хусусан, Марказий Осиё минтақаси халқлари ўзларининг бетакрор бой адабий мероси ва миллий қадриятлари билан муҳим ўрин эгаллайди. Антик давр адабиётидан тортиб Шарқ ва Ғарб адабий-эстетик тафаккури тараққиётининг бугунги босқичига қадар ҳар бир жамиятда ижодкор ва унинг шахсига бўлган қизиқиш кузатилади. Айниқса, буюк мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби, шоир Алишер Навоий мероси ва шахсиятини янгича назарий асосларда ўрганиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигида муайян давр адабиётида ўзига хос бадиий-эстетик анъанани бошлаб берган йирик адабий сиймоларнинг илмий меросини ўрганиш борасида бир қанча тадқиқотлар яратилган. Адабиёт тарихида улуғ адабий сиймолар шахсияти ва илмий меросини замоनावий нуқтаи назардан тадқиқ этиб, баҳолаш ҳамда янгича илмий концепцияларга асосланган кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. XX асрнинг бошлариданоқ дунёнинг йирик навоийшунослари улуғ мутафаккир шахсияти ва илмий мероси устида тадқиқотлар олиб боришган. Алишер Навоий шахсияти, унинг жаҳон маданияти, хусусан, адабиётига қўшган улкан ҳиссасини ва умуминсоний ижодини тадқиқ этиш, илмий адабиётшунослик доирасидаги миллий, диний ва маърифий қарашларини умумлаштириш, тизимлаштириш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек адабиётшунослиги Алишер Навоий ижодий-илмий мероси ва шахсиятини ўқувчиларга асл мазмун-моҳияти билан тўғри етказиш давр талабидир. Бунинг учун, аввало, мамлакатимизда шу пайтгача навоийшуносликда амалга оширилган ишларни жиддий таҳрирдан ўтказиш, уларга бугунги кун талабидан келиб чиқиб баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади. “Улуғ шоир ижодий мероси халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади”¹. Айни мақсадларга эришиш учун Алишер Навоийнинг адабий-бадиий, илмий-назарий меросини мумтоз адабиёт анъаналарининг асоси сифатида бугунги ислохотлар жараёнига татбиқ этилиши, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилишга йўналтириш муҳим маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга. Зеро, янги давр бадиий-эстетик қарашлари асосида Алишер Навоий феномени аҳамиятини аниқ белгилаш, унинг сиёсий талаблардан холи бўлган мукамал таржимаи ҳолини яратиш навоийшунослик олдида турган долзарб масалалардан бўлиб, ушбу тадқиқот

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ безавол яшайди. Ўзбекистон ижодкорлари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2019 йил 9 февраль.

ишининг ҳам долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ – 4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2017 йил 18 апрелдаги «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги ПҚ-28-29-сонли Қарори, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммоннинг ўрганилганлик даражаси. Навоийшуносликнинг тарихий асослари XV асрдаёқ шакллана бошланган бўлиб, Алишер Навоийга илк муносабатлар турли тарихий-мемуар асарларда, бадиий ва ижтимоий-фалсафий портрет, эртак, ривоят, латифа, мақол каби фольклор жанрларида ўз аксини топди². Алишер Навоий замондошларининг асарларида, жумладан, Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола”, Абдурахмон Жомийнинг “Ҳафт авранг”, “Юсуф ва Зулайхо”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақое”, Ғиёсиддин Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ”, “Ҳабиб ус-сияр”, “Хулосат ул-ахбор”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” каби асарларида шоир шахси ва адабий меросига таърифлар, талқинлар келтирилганлиги сабабли улар қимматли таянч манбалар саналади. Улар орасида Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола» ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарлари Навоий сиймоси адабий-бадиий талқин қилинган туркий тилдаги илк асарлар эканлиги, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақое” асари Навоийнинг характери, турмуш тарзи ёрқин тасвирлангани билан ажралиб туради.

Алишер Навоий шахси ва унинг илмий фаолияти бўйича жаҳон адабиётшунослигида Сильвестер де Саси (XVIII аср охири, Франция), Ҳаммер (XIX аср, Англия), Е.Ф.Гибб (XIX аср, Англия), П.С.Савельев, М.Никитский, В.В.Бартольд, Н.Конрад, Е.Э.Бертельс (барчаси россиялик, XIX-XX аср)³ кабилар тадқиқот яратишган. Жаҳид адабиёти намояндалари

² Қаралсин: 1) Эл деса Навоийни. – Тошкент: АСН, 1991. 2) Ўзбек халқ эртаклари. III жилд. – Тошкент: Шарк; 3) Бойқаро, Ҳусайн. Рисола. – Тошкент: Шарк, 1991; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015; Зайниддин Восифий. Бадоеъул-вақое. – Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1979.

³ М.Никитский. Эмир-Низам эд-Дин Али-Шир в государственном и литературном его значении. Рассуждения на степень магистра восточной словесности. – СПб., 1856.; Бертельс Е.Э. Избранные труды:

Фитрат, Чўлпон, Ибрат, Вадуд Маҳмуд асарларида Навоий даҳосига мурожаатнинг зарурати ва ижодкорларнинг бадиий мақсади, буюк мутафаккир тимсолига жадидларнинг муносабати илмий жиҳатдан таҳлил қилинган⁴.

XX аср ўрталаридан бошлаб эса Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Барот Бойқобилов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шоир ва ёзувчилар ижодида Навоий тимсоли яратилган бўлса, В.Зоҳидов, И.Султонов, М.Орипов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, В.Абдуллаев, А.Рустамов, Б.Валихўжаев, Ё.Исҳоқов ва бошқа навоийшунос олимлар асарларида Навоийнинг бадиий ва илмий тимсоли яратилди⁵. Бу асарларда Навоийнинг адабий-маънавий оламини ёритишга маълум даражада мафкуравий-синфий ёндашув кузатилса-да, асосан, Навоий улуғ шоир ва халқ дарди билан яшаган буюк сиймо, “занжирбанд бўлса-да, енгилни кўзлаган шер” сифатида тасвирланади.

Муаммонинг мақола доирасидаги ечимига А.Эркинов уришиб кўрган⁶. “Қолипдаги фан” мақоласида соҳа собиқ тузум ҳукмрон мафкураси таъсирига тушиб қолгани, сиёсат ва мафкура олимларга Навоий ҳаёти ва ижодини ўзи қандай кўришни истаса, шунга лойиқ дастур-қолипларни берганлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида алоҳида ижодкор ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилди. Адабиётшуносликнинг муайян йўналишлари, жумладан, тадқиқот мезонларига оид қарашларнинг янгиланиши, таҳлил ва талқин муаммосини тадқиқ этувчи диссертация, монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари юзага келган бўлса-да, Навоийнинг шахсияти, илмий ва ижодий фаолияти

Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965 – 524 с.; Бартольд В.В. Тюрки. – Л.: 1929., Н. Конрад. Алишер Навоий. // Тафаккур. 1997 № 10. –Б.38-41.

⁴А.Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1995; В.Маҳмуд. Алишер Навоий. – www.ziyonet.ziyo

⁵Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2010; Қаюмов А. Алишер Навоий. – Тошкент: Ёш гвардия, 1976; Ғаниева С. Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1962; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1963; Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. – Тошкент: Фан, 1972; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.Шарафиддинов О. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 182.Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича). Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент., 1998. – Б: 4.Қаранг: Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф адабиётининг шаклланиши ва тараққиёти: Филол. фанлари докт... дисс. – Тошкент: 1995., Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991., Шу муаллиф. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: Бухоро, 2000; Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007., Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр – Ўзбекистон, 2009., Шу муаллиф. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005; Олим С. Ишк, ошқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992.; Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005; Салохий Д. Навоий насрида тасаввуф. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1995., Шу муаллиф. Навоийнинг шеърый услуби масалалари. – Тошкент: Фан, 2005; Муллахўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида).//: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: 2005; Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. – Тошкент: Ниҳол, 2008; Жўрақулов У.Ҳ. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент: 2017; Бекова Н. Алишер Навоий шеърятда ҳамд поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2006; Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгул образи. – Тошкент: Фан, 2009; Мамадалиева З.У. “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: 2011; Давлатов О.Д. Алишер Навоий шеърятда Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. Филол. фан. фалсафа д-ри дисс. автореф. – Самарқанд: 2017. Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Тошкент: Маънавият, 2001.

⁶Эркин А. Қолипдаги фан //Ёшлик. – Тошкент, 1991 йил, 3-сон, -Б.76-77

ўрганилиши билин боғлиқ муаммоларнинг умумий таҳлили монографик йўсинда тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “ Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзусидаги илмий ишлар доирасида, Жиззах давлат педагогика институти бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедрасининг “Таълимда инновацион технологиялар” мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср навоийшунослигида Навоий адабий-бадиий меросининг илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш тамойилларини ўрганиш, навоийшунос олимлар томонидан қўлланилган концептуал ёндашув ва методларни илмий асослаб бериш ҳамда навоийшуносликнинг истиқболдаги тадқиқот йўналишларини белгилаб олиш асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XX аср ўзбек навоийшунослигида яратилган улуғ шоир ижодий меросининг илмий-назарий тадқиқи тамойилларини ўрганиш, Алишер Навоий даҳосини ёритишда қўлланган усул ва воситаларни кўрсатиш;

Навоий даҳоси талқинида совет навоийшунос олимлари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни тизимга солиш, бу даврда қўлланилган концептуал ёндашув ва методларни илмий асослаб бериш;

Навоий шахсияти ва ижодий меросини ўрганишга доир бирламчи манбалар, илмий адабиётлар ва талқинларнинг ишончлилиги, асосланганлигини далиллаш ва уларни ўзаро қиёслаш орқали янги илмий-назарий хулосаларга келиш;

Навоий ҳақидаги асарлар таҳлиliga бағишланган тадқиқотларда қўлланилган метод ва ёндашувлар асосида навоийшуносликнинг истиқболдаги тадқиқот йўналишларини белгилаб олиш асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ойбек, Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, Малик Орипов ва бошқа олимлар асарлари, XX аср навоийшунослигида Навоийнинг адабий-бадиий мероси тадқиқотларидаги талқинларига бағишланган илмий ишларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети мавзу доирасига қамраб олинган даврда яратилган илмий тадқиқотлар ва материалларда Навоий шахсияти, илмий ва ижодий фаолиятининг ўрганилиши йўналишлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, тавсиф, таҳлил, тарихий-биографик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср навоийшунослигида шу давр сиёсий мафкуриси талаблари назарда тутилган ҳолда яратилган Алишер Навоий шахсияти талқинига доир адабий-эстетик тамойиллар очиб берилган;

Ойбек ва Иззат Султон илмий асарларида Алишер Навоий шахсияти ва

илмий-маърифий дунёқарашини ёритишда қўлланган янги таҳлил ва талқин усуллари аниқланган;

XX аср навоийшунослигида яратилган Навоий шахсияти ва ижодий мероси тадқиқларига нисбатан илмий-концептуал ёндашув ва бу давр олимлари томонидан қўлланилган илмий таҳлилий ва тарихий-биографик методлар илмий асосланган;

Адабиётшунос олимлар Ойбек, Иззат Султонов, Воҳид Зоҳидов, Малик Орипов Алишер Навоий ҳазратларининг умуминсоний ғояларини ҳукмрон мафкура ҳужумидан сақлаш учун “пардага ўраб” тасвирлаш усулидан фойдаланганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Алишер Навоий даҳоси талқинига бағишланган монографиялар, адабий-танқидий мақолалар таҳлили мисолида XX аср навоийшунослигида улуғ шоир даҳоси талқинига оид янги йўналиш вужудга келганлиги асосланган. Тарихий ва илмий манбалар ўзаро қиёсланиб, бу давр илмий-бадий адабиётида буюк шоир шахси ва мероси социалистик реализм методи асосида тасвирланган ўринлар таъкидланган ҳамда уларга илмий муносабат билдирилиб, ушбу мавзу бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувиغا хизмат қилиши далилланган.

тадқиқот натижалари истикболда ўзбек адабиёти тарихи, адабиётшунослик методологияси, адабиётшунослик назарияси, адабий танқид тарихи, айниқса, навоийшунослик бўйича ишчи дастур, илмий тадқиқот, дарслик ва қўлланмалар яратиш учун заҳира бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилганлиги, адабиётшуносликдаги энг сўнгги илмий ютуқлардан фойдаланилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги чиқарилган хулосаларнинг илмий-назарий ва биографик талқинларнинг қиёсий-типологик, тавсифий, тарихий-биографик таҳлиллар билан асосланишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган бадий-эстетик, илмий-назарий қарашлар тизими, чиқарилган назарий хулосалар, аввало, “Навоийшунослик”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Адабий танқид тарихи” каби фан соҳаларини илмий жиҳатдан тўлдириш ва бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги хулоса ва тавсиялардан адабиётшунос олимлар ижодини замон руҳида талқин қилишда, шунингдек, олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар яратишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот XX аср навоийшунослигида Навоий шахси ва ижодий мероси талқинларини ўрганиш, фаннинг шу давр руҳига хос илмий-назарий асосларини, етакчи тамойилларини аниқлашда материал сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср

навоийшунослигида Алишер Навоий даҳоси талқинини тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

давр сиёсий мафқураси талаблари назарда тутилган ҳолда яратилган Алишер Навоий мероси талқинига доир адабий-эстетик тамойиллар хусусидаги илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2012-2016 йиллар бажарилган “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 2019 йил 16 майдаги 3/1255-1464-сон маълумотномаси). Натижада Алишер Навоий қомусларининг илмийлиги ҳамда мукамаллигига эришилган;

XX аср етакчи навоийшунос олимларининг илмий-бадий асарларида Навоий даҳосининг энг муҳим қирраси бўлмиш эътиқод масаласига материалист замондошлари эътиборини тортганликлари ҳақидаги хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Миллий ғоя ва мафқуравий тадқиқотларни ташкил қилиш” бўлимида 2017-2018 йилларда амалга оширилган ФЗ-2016-0915132102 шифрли “Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадий-лингвистик тадқиқи” мавзусидаги давлат грантида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 14 майдаги 02/09-519-19-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасидаги буюк алломаларимиз машҳур асарларининг қисқача шарҳи ва мазмунини очиб берувчи мобил илова яратишда Алишер Навоийга тегишли қисми янги илмий ахборотлар билан тўлдирилган;

XX аср адабиётшунос ва файласуф олимларининг Навоий феномени талқинига бағишланган тадқиқотларида ёритилган масалаларни ўрганиш натижасидаги хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилоят бўлимида ташкил этилган «Маҳорат мактаби» ижодий тўғарагида фойдаланилди. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 27 мартдаги № 01-03-12/ 306-сон маълумотномаси). Натижада ижодкор ёшларга Алишер Навоий даҳоси умуминсоний моҳиятини англатишнинг илмий-бадий усуллари кўрсатиб беришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро, 1 та хорижий ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилиниб, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 7 та мақола, шундан 5 таси республика ҳамда 1 та хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 147 та саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Биринчи боб **“XX аср биринчи ярми ўзбек адабиётшунослигида Навоийга доир тарихий маълумотлар талқинларининг ўрганилиши”** деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида “Навоийга доир тарихий манбалар ва уларнинг илк ўрганилиши масалалари” тадқиқ этилган. Унда Низомиддин Мир Алишер Навоий нафақат ўзбек халқининг, балки бутун турк дунёсининг буюк шоири, мутафаккири сифатида жаҳон бадиий тафаккури тарихида ўз ўрни ва мақомига эга ижодкор эканлиги ҳамда унинг жаҳон адабиёти хазинасига қўшган ҳиссаси илм аҳли томонидан аллақачон эътироф этилганлиги қайд этилган. Бунда диссертант навоийшунос олим Ш.Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили” номли монографиясига таяниб фикр юритади. Унда 20дан ортиқ муаллифларнинг асарларида буюк ўзбек мутафаккири ва шоирининг ҳаёти ҳамда фаолиятига баҳо берилгани таъкидланади. Фаслда Ш.Сирожиддинов Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асаридаги Навоий таржимаи холига оид асосий маълумотлар мундарижасини 17 бандда санаб кўрсатганлиги келтирилиб, унга муносабат билдирилади. Хондамирнинг Алишер Навоий ҳақида махсус битилган “Макорим ул-ахлоқ” асари асрлар давомида Навоий даҳоси моҳиятига етишга интилган мухлисларга очқич вазифасини ўтаганлигига эътибор қаратилгани⁷ таҳлил қилинади. Монографияда келтирилган асарларнинг аксарияти форс тилида ёзилган бўлиб, улардан, Навоий қаламига мансуб шахсий қайдлардан ташқари, фақат иккитаси туркий тилда битилган. Улар Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола” ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарлари саналади.

Алишер Навоий девонларини таҳрир эта олиш даражасидаги нозик таъбага эга бўлган Султон Ҳусайннинг Навоий ижодига берган баҳоси, сўзсиз, ниҳоятда қимматли ҳисобланади. “...маъоний абкорига бу кунга дегинча ҳеч киши туркона либос кийдирмаган ва ул нозанинларни бу зебо хилъат била жилвайи зухурга келтирмагантурур. Ва бу мушкбў раънолар таъб ниҳонхонасида урьёнлигдин маҳжуб қолгандуруру бу ҳурваиш зеболар ҳулласизлигдин жилвайи ноз қила олмогондуруру...”⁸. Туркий тил мана шундай аянчли аҳволда эканида майдонга Алишер Навоий чиқади: “*Мир Алишер...*

⁷ Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2011. – Б. 9.

⁸ Ҳусайн Бойқаро. Рисола / Нашрга тайёрловчилар А.Рустам, К.Ҳасан. – Тошкент: Шарқ, 1991. – Б. 12.

тахаллуси Навоийга машҳурдурур ва ашъорида бу тахаллуси мастур, турк тилининг ўлган жасадига Масих анфоси била руҳ кюрди. Ва ул руҳ топқонларга туркий ойин алфоз тор ва пудидин тўқулгон ҳуллаву ҳарир кюрди ва сўз гулистонида навбахори таъбидин равоносо ёгинлар била ранго-ранг гуллар очти ва назм дарёсига саҳоби фикратидин руҳпарвар қатралар била гуногун дурлар сочти”⁹. Ҳусайн Бойқаро бу сатрларида Навоийнинг турк тилининг ўлган жасадига Масих (Исо алайҳиссалом)нинг тирилтирувчи нафаси билан руҳ киритганини, руҳ топган танага туркий ойин сўзларнинг тола ва ипагидан тўқилган ҳарир либос кийдирганини баён қилади. Муаллифнинг эътирофи этишича, Навоийнинг она тили – туркий тилни шундай юксакликка кўтардики, у шеърият майдонининг ҳар бир синф (жанр)ига йўрға от суриб, мамлакатни тил тиғи билан ўз тасарруфига олди. Унинг назми таърифида тил тутилиб, баён ожиз қолади¹⁰.

Навоий тимсолининг ўзбек адабиётшунослигига кириб келиш тарихи Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола” асаридан бошланган, бу асарни навоийшунослик фанининг ўзбек тилида яратилган тамал тошларидан бири, деган хулосага келинади.

Фаслда Алишер Навоийнинг Астрободга бориши ҳақида фикр юритилиб, Ш.Сирожиддинов В.В.Бартольднинг даъвосини илмий асослар билан рад этгани, навоийшунос А.Ҳайитметов “Навоий лирикаси” монографиясида Навоийнинг расмий равишда сургун қилинмаганлиги, балки ўз бошига тушиши муқаррар бўлган кулфатларнинг олдини олиб, зийраклик билан ўзига ўзи подшоҳнинг кўзидан йироқда бўлиш ҳукмини чиқарганлигини қайд этади¹¹ деган мулоҳазалар келтирилади. Академик В.Абдуллаев, профессорлар Ҳ.Болтабоев, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева, турк олими Мустафо Эсонларнинг навоийшуносликка қўшган ҳиссалари тилга олинадди, улар ўзаро таққосланиб тегишли хулосаларга келинади.

Бундан ташқари фаслда Алишер Навоийнинг тазкиралардаги тимсоли ҳам тадқиқ этилган. Сўнгра замонавий ўзбек адабиётидаги қатор ижодкорлар буюк мутафаккир сиймосининг бадиий талқинини яратганликлари қайд этилади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Жадид адабиёти намояндалари асарларида Навоий феноменига мурожаат ва муносабат” деб номланади.

Унда XX аср бошларида тарих саҳнасига чиққан жадид маърифатпарварлари ўз олдиларига ўзбек халқининг бой адабий-маданий меросини тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва нашр этиш вазифасини қўйганлиги, Фитрат ташаббуси билан тузилган “Чиғатой гурунги” жамияти шу тарихий вазифани бажариш мақсадида қатор ишларни амалга оширганлиги, XX асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошлаб эса улуғ шоир ижод маҳсулини баҳолашда мафкура, ўткинчи сиёсат бош мезонга айлангани, Яссавий, Бобур,

⁹ Кўрсатилган асар. – Б.12.

¹⁰ Кўрсатилган асар. – Б.12.

¹¹ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 278–279.

Машраб, Ҳувайдо сингари шоирлар қаторида Ҳазрат Навоий яратган маънавий мулк ҳам ўқувчига кераксиз, ҳатто, зиёнли деб эълон қилингани, Абдурауф Фитрат, Отажон Ҳошим каби адабиётшунослар бундай қарашларга қарши чиқиб, маданий меросни ҳимоя қилишга уринганликлари қайд этилган.

Шундай муҳитда тадқиқотда Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Вадуд Маҳмуд каби жаидчи ижодкорлар Алишер Навоий ижодини ўзларига намуна билиб, ўзига сингдириш орқали янги адабиётни юксалтиришга йўл топганлиги ёритилган.

Алишер Навоий даҳоси ва ундан кейин яратилган маънавий хазинани ўзлаштирмасдан туриб, янги адабиёт яратиш, унинг жаҳон адабиётлари сирасига кўтарилиши мумкин эмас, деб қабул қилинганлиги сабабли “Чиғатой гурунги” ва бошқа маданий-илмий муассасаларда дастлаб Навоий даври адабиёти, тили, илми ҳамда маданиятини ўрганишга чақириқ сезилганлиги, жаҳон адабиётида янги саҳифа яратган Навоий қалами жаидчилар учун замон тимсолига айланганлиги, жаидчилар бадий адабиётда Навоий даражасида асар ёзишга чоғланганлар учун жаҳон адабиётининг намуналарини пухта эгаллашга чақирганлигига асосий эътибор қаратилган. Жумладан, мусулмон иштирокиюн фирқасининг ўлка бюроси ҳузуридаги нашриёт шўъбаси 1919 йили “Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри” деган рисола нашр этгани, 1921 йили тузилган “Ўзбек билим ҳайъати” нинг топшириғига кўра, бир гуруҳ олимлар “Навоий, Лутфий, Бойқаро ва бошқа ўзбек шоирларининг шеърларидан бириккан мажмуани тузиш” бўйича иш бошлаганлари, Фитрат Бухорога бориб қатор кутубхоналардан бошқа шоирлар қатори Алишер Навоийнинг асарларини топганлиги ҳақида хабар келтирилади.

Вадуд Маҳмуднинг фикрича, Навоийнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввуфлиги, на шоирлиги, на тарих ёзганидир. Унинг мумтозлигига “шундай қайнағон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсликнинг марказида турклар муассасаларини қуриши”да деб баҳо беради. Олимнинг қайдларидан яна бири – “Навоийнинг форсга ва форс маданиятига бир душманлиги йўқдир, у тўғридан-тўғри миллатчи ва туркликни севатурғон бир шахсиятдир” деган маълумоти алоҳида аҳамиятга эга саналади. Бу маълумотга кўра, Навоий “қўлига қалам олди ва форснинг энг машҳур асарларига қарши турк классик асарлари(ни) вужудга келтирди”. Вадуд Маҳмуд ана шу нарсани “Навоийнинг бизга муҳим бир хизмати ва уни бу кун турк адабиёти отаси аталишининг амалий ўзаги” деб кўрсатади ва Навоий тимсолини ана шундай тасаввур этади.

Фасл охирида жаид адабиёти намояндалари асарларида Алишер Навоий феноменига мурожаат ва муносабат масалалари муҳокамасидан шакллланган хулосалар ажратиб кўрсатилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“XX аср ўргалари навоийшунослигида улуғ шоир шахсияти талқинлари таҳлили”** деб

номланган бўлиб, унда буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодини ўрганган олимлар Ойбек ва Иззат Султонов илмий тадқиқотларида Навоий шахси ва дунёқараши ифодаси ҳақида сўз юритилади. Бобнинг биринчи фасли “Ойбек илмий асарларида Навоий даҳоси талқини масалалари” деб номланиб, унда буюк шоир ижодининг мутафаккир олим томонидан амалга оширилган ҳаққоний илмий таҳлил ва талқинлари ҳақида сўз юритилади.

Фасл аввалида академик Н.Каримовнинг Европада навоийшунослик тараққиёти ва Навоий даҳоси талқинлари ҳақидаги фикрлари келтирилиб, унда шоир сиймоси ва ижодига турлича ёндашувлар кўзга ташланганлиги ҳақида фикр билдирилади.

XX асрда эса Ўзбекистон жаҳон навоийшунослигининг марказига айланди. Бу давр навоийшунослик тарихига Навоийни дунёга танитиш даври сифатида кирди. Навоий ҳаёти ва ижоди илмий асосда ҳар томонлама ўрганилган жиддий тадқиқот ишлари олиб борилди. Навоий даҳоси ҳақида ўзбек шоир-ёзувчилари, драматурглари томонидан ўлмас бадиий асарларнинг яратилиши навоийшунослар олдига бундай асарларнинг бадиий-илмий қимматини белгилаш, Навоий бадиий сиймосининг ҳаёт ҳақиқатига нечоғли мос келишини аниқлашдек янги вазифани қўйди.

Аммо XX аср халқимиз маданияти, адабиёти, умуман маънавий ҳаёти тарихида энг мураккаб бир давр сифатида муҳрланиб қолганлиги ҳам сир эмас. Бу даврда ўлкамизда ҳукм сурган ва бизга табиатан ёт бўлган мафкура ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳар бир соҳасини ўз қолипига солишга, мазмуни ва мақсадидан қатъий назар ҳар қандай ҳодисани ўз манфаатлари учун хизмат қилдиришга интилар эди. Бу сиёсий машина талабларини бажариш – миллатни шуқуҳли тарихи ва муқаддас қадриятларидан ажралиши даражасига олиб келиши муқаррар эди. Ушбу вазифани бажариш эса ёт эмас, бегона эмас, балки ўзимизнинг зиёлиларимиз, шоиру адибларимиз “елкаларига юкланди”, вазифа қилиб қўйилди. Хусусан, адабиёт соҳасида бажариладиган илмий тадқиқотлар, ёзилажак бадиий асарлар, поэзия фақат социалистик реализм методи талабларидан келиб чиқиб, бажарилмоғи лозим эди. Вазифа аниқ: ўзини ўзи инкор этмоқ, ғурурини синдирмоқ, бошқалардан даражаси паст халқ эканлигини тан олмоқ. Агар шу мазмунда ёзмаса, умуман ёзмагани маъқул, давр қабул қилмайди! Ҳақиқатан шундай бўлдими, деган табиий савол туғилади. Ундай бўлмади, мафкура аталмиш “аждаҳо комида турган” адабиёт “ўлмади”, фан тараққиётдан тўхтамади, халқимизнинг донишманд зиёлилари табаррук тарихлари, аллома ажодлари, миллий-маърифий бойликларини донишмандларча асраб қолдилар ва авлодларига “гард юқтирмай” етказишга заковат ва куч топдилар. Аммо бу жараён ниҳоятда оғир кечди ва унинг энг йирик ва матонатли вакилларида бири академик Ойбек – Мусо Тошмуҳаммедович Тошмуҳаммедов эди.

Ойбек навоийшунослик соҳасидаги асарларини яратар экан, икки катта масъулиятни ўз зиммасида ҳис этади. Булардан биринчиси – улуғ шоирни ҳукмрон мафкура тазйиқига нишон этиб қўймаслик, элимиз учун ёт бўлган

ғоялар ташувчилари хужумидан асраш бўлса, иккинчиси – даҳо мутафаккир ҳаёти ва ижодий меросини тўғри тушуниб, аниқ ҳис этиб, авлодларга ҳаққоний етказиб бериш масъулияти. Ана шу иккинчи вазифани бажаришда олим эҳтиёткор позицияда туради ва асарларининг баъзи ўринларида мафкура талабларига мос фикрларни баён этади. Хусусан, “Алишер Навоий” рисоласида муаллиф улуг шоир шахсияти, дунёқарашига доир айна ҳақиқатни баён этар экан, хулосавий фикрини мафкура қолипига мослашга зарурат сезади: “Навоий сиёсий қарашларининг моҳияти мунаввар подшоҳликдир. Давлатнинг кучайиши учун подшоҳ қонунга ва адолат принципларига суяниши керак. (бу фикрлар – олим айтмоқчи бўлган ҳақиқат – Э.Н.) ... Шоир подшоҳликдан бошқа бир ижтимоий тузум яратиш мумкинлигини табиий англай олмайди. Халқ учун тинч ва эркин турмушни подшоҳ иродаси билан барпо қилиш мумкин, деб ҳаёл қилади (бу фикрлар эса – мафкура тазйиқидан ихота эҳтиёжи – Э.Н.)”.

Олимнинг Навоийнинг тасаввуф таълимотига бўлган муносабатини чуқур таҳлил этиши, бу масалалар бўйича баён этган мантикий илмий мушоҳадалари ўша пайтлардаёқ XX аср ўзбек навоийшунослигининг мустаҳкам пойдеворини яратганлигидан далолат беради, унинг навоийшуносликка асос солмоққа қодир бўлган бир адабиётшунос олим сифатида намоён этади. Ойбек Навоийнинг дунёқараши маълум социал-сиёсий шароит ичида ташкил топганлигини, сиёсий шароитлар ва давр фикрий мазмунининг хусусиятлари шоирнинг қарашларига ўз таъсирини шубҳасиз кўрсатганлигини қайд этади. У Навоий диний-маърифий қарашларини ҳимоя қилиш мақсадида шоир чуқур билган ва ўзи ҳам мансуб бўлган суфизмни гўё билмагандек, гўё нодонларча, гўё кўр-кўрона қоралайди, танқид қилади. Аммо танқид учун суфийликнинг фақатгина бир кўриниши – аскетизм – зоҳидлик, таркидунёчиликка эътибор қаратади. Бу мутафаккир Ойбекнинг, таъбир жоиз бўлса, “тактикаси” эди. Чунки, мақола давомида олим суфийликнинг инсонпарвар моҳиятини тушунтиришга кўп бора ҳаракат қилади.

Ойбек Ҳазрат Навоий даҳоси маърифати ҳақида сўз юритар экан, шу қадар асосли ва мантикий фикрлайдики, гўё бу соҳадаги ўзининг комил эътиқодини баён этаётгандек тасаввур ўйғотади: “Навоийнинг қарашларича, у (Худо – бизнинг таъкид – Э.Н.) ўзининг худолик сифатларини тамоман йўқотмайди. У ҳали ҳам табиат ичида жонли ва мукамал гўзал бир куч сифатида ўзини кўрсатиб туради”. Ойбек ўзининг маърифий доирасидаги зиёли инсонлар яққол тушуниб турган ҳақиқатни коммунистик мафкура идеологининг тушунчаси ва қарашларига мослаб “Навоийга тақалиши мумкин бўлган айб” пардаси билан ўрайди. У Навоийга шундай “айб” кўяди: “Лекин, айтиб ўтиш керакки, эътиқод масаласида шоир изчил эмас. Унинг қарашлари очикдан-очик икки ёқламадир”. Мана шу “айб” олим тадқиқоти учун янги имконият яратади. Бу фикрни баён этгач, мутафаккир Ойбек улуг шоир эътиқоди ва маърифий қарашларини янада кенг ва батафсил таҳлил

этишга, чин моҳиятни англантишга, маърифатни улуғлашга, шарқона тасаввуфий билишнинг юксак жиҳатларини “парда остида” таъриф ва тавсиф этишга йўл топади: “У баъзан исломни ҳамма динлардан юқори кўяди, уни ягона чин деб ҳисоблайди, унинг аҳкомлари ҳақида сўзлайди, мусулмон бўлганлиги учун шукр қилади. ... Лекин Навоий масалага ўз давридаги фикрий оқимларнинг илғор вакили сифатида қараганда, унда диний таассуб тамоман йўқолади. Энди Навоийнинг назарида ҳамма диний эътиқодлар, ҳатто энг “тубан” ва “варвар” эътиқодлар баравар аҳамият касб этади. Шоир учун ҳамма диний айирмалар ўз аҳамиятини йўқотади. Ҳамма динлар бир моҳиятнинг ифодаси сифатида англашилади”¹². Кейинги давр адабиётшунослиги улуғ шоир маърифий қарашлари хусусиятларини тадқиқ этар экан, масаланинг худди шу жиҳатига эътибор қаратиб, уни кенг ёритади. Адабиётшунос олим Ёқубжон Исҳоқов ўзининг “Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти” номли асарида улуғ шоирнинг ўз даври сулук ва мазҳабларига муносабати масалаларини ўрганар экан, уни хусусан маломатия ва хуруфия оқимлари мисолида ёритишга ҳаракат қилади ва мутафаккир Ойбек хулосаларини қувватлайди¹³.

Алишер Навоий шахси ва ижодиёти масалалари муносабати билан даҳрийлар жамиятида илмий фаолият олиб борган Ойбек умуман Шарқ, хусусан, Марказий Осиё бадиий тафаккури намоёндаларини илҳомлантирган куч кўп асрлар давомида халқ руҳиятига сингиб кетган исломий моҳият эканлигини катта жасорат билан баён этади. Фасл ниҳоясида бу мавзудаги умумий фикр-мулоҳазалар баён этилган.

“Иззат Султоновнинг “Навоийнинг қалб дафтари” асарида ижодкор шахсияти муаммоси талқини” деб номланган иккинчи фаслда Навоий ҳазратлари тимсолининг улуғ мутафаккир сифатидаги талқини хусусиятлари таҳлил қилинган. Чунончи, ушбу асар XX аср навоийшунослигида улуғ шоир бадиий тимсоли талқини ўзгача йўсинда тасвирлангани билан адабиётимизда алоҳида ўрин тутади. Бу “ўзига хос йўсин” буюк шоир тарихий сиймосини унинг сиёсий ва ижтимоий фаолияти доирасида, асарларининг зоҳирий (юзаки қатлам) маъноларини ўқувчига етказиш мақсади асосида, буюк шахс дунёқарашини, маърифий қизиқишлари майдонига чуқур кирмай, нақшбандия тариқатининг етук билимдони руҳияти, табиати ва мақсадларини “иҳоталаб” намоён этишда кўзга ташланади. Бу эса бевосита замонавий навоийшунослик йўлбошловчиларидан бири Иззат Отахонович Султонов бетакрор илмий-бадиий услубининг мукамаллиги ва адибнинг ўткир салоҳиятини равшан аён этади.

Иззат Султонов асарда Алишер Навоийнинг “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асаридан бир воқеа баёнини келтириб, ундан келиб чиқадиган

¹² Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. Тўққизинчи том. Тадқиқот ва мақолалар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б. 126

¹³ Қаранг: Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 78–103.

учта муҳим жиҳатни олға суради: биринчидан, Навоийнинг фикрича, унинг замонида туркигўй шоирлар орасида иккитаси – Лутфий билан Саййид Насимий жуда улуғ ва машҳур эдилар; иккинчидан, Пахлавон Муҳаммаддек замонасининг ажойиб олим кишиси назарида Навоий – ўз замонасининг туркигўйлари орасида Лутфий ва Насимий қаторида энг забардасти эди, бунда Навоийнинг ҳали буюк асарлари яратилмаган йигит ёшида эканлигини унутмаслик керак; учинчидан, Навоий кишиларнинг оддий ишқини (ишқи мажозни) куйловчи Лутфийни “Худога муҳаббат”ни куйловчи (“ҳақиқат тариқин адо” этувчи) Насимийдан кўра ўзига яқин олади¹⁴.

Кўринадики, адиб Навоий ижоди ҳақида фикр юритаркан, адабиётнинг синфийлиги ва партиявийлиги тамойиллари ҳукм сурган советлар даврида ушбу хулосаларининг учинчисидан “парда” сифатида фойдаланиб, Ҳазрат ижодини коммунистик зуғумлардан сақлаб қолишга эришган.

“Навоийнинг қалб дафтари” асарининг “Машҳур мактуб” фаслида адиб Навоийнинг устоди ва дўсти Саййид Ҳасан Ардашерга ёзилган ва “Ғаройиб ус-сиғар” девонига “Маснавий” номи билан киритилган мактубини таҳлил қилади. Адибнинг фикрича, Навоий ўзининг нима сабабдан бошқа юртга бош олиб кетаётганлигини дўстига тушунтириш мақсадида бу мактубни ёзишга мажбур бўлади, чунки ўша пайтда Саййид Ҳасан Ардашер Ҳиротда эмас эди. Мактуб таҳлили давомида адиб юртдаги зулм ҳукмронлиги туфайли ёш, аммо аллақачон катта шоир сифатида машҳур Навоий Ҳиротни ташлаб кетишга мажбур бўлганлигини таъкидлайди.

Иззат Султонов Навоий тимсолини тарихий ҳақиқатга янада яқинроқ ва ҳукмрон мафкура талабларига мос равишда яратиш учун асосий урғуни улуғ шоирнинг ҳаётни ўта севувчилиги, табиатга, унинг турли фаслларига муносабатига қаратади. Фикрини исботлаш учун Навоий ҳазратларининг «Ғаройиб ус-сиғар» девонига киритилган қуйидаги рубоийсини келтиради:

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

Ушбу рубоийни бугунги кундаги ҳолисона илмий, буюк шоирнинг маърифий қарашлари нуқтаи назаридан таҳлилига эътибор қиладиган бўлсак, ундаги “умр” истилоҳи дунёвий ҳаётни англатмайди. Бугунги кун навоийшунослиги Навоий ҳазратларининг муваққат дунёвий ҳаётни “жондан, ... сондан, ... ҳар недан” ортиқ севмаганликларини анча мукамал кашф этди. Бунинг исботи учун навоийшунос олимлар Н.Комилов¹⁵, Р.Воҳидов¹⁶, М.Муҳиддинов¹⁷, Ё.Исҳоқов¹⁸, И.Ҳаққуловларнинг¹⁹ биттадан асарларига

¹⁴ Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи, 2010. – Б. 134–138.

¹⁵ Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: Тамаддун, 2015.

¹⁶ Воҳидов Р. Алишер Навоий ва Илоҳиёт. – Бухоро, 1993.

¹⁷ Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2000.

муурожаат этмоқнинг ўзиёқ етарли. Бу рубоийдаги “умр” истилоҳи “*عمر*” – “амр”, яъни, ҳукм, тақдир деган маъноларни англатади. Шоир бу рубоийсида Ҳақ таоло томонидан ўзи учун белгиланган тақдирдан, халқ тили билан айтганда, “ёзиқ”ларидан розилигини баён этмоқда. Тасаввуфий истилоҳ билан айтганда, Ҳазрат Навоий “нафси марзия” билан, яъни ҳаётдан розилик билан Ҳақ таоло розилигини топиш сари интилоқда. Бу рубоийни ёзиш билан улуғ шоир ҳаётининг охириги дақиқаларини кўз олдига келтиради, шу рубоий мазмунидаги фикрларни Қуръони карим ояти карималари асосида чуқур шарҳлаб, тушунтиради.

Олим Алишер Навоий сиймосидаги назокатни, юксак ахлоқ соҳиби бўлиб, ёвуз одамлардан парҳез қилганликларини подшоҳ Абусаид Мирзога бўлган муносабат мисолида беради. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Абусаид Мирзо ҳақида алоҳида фикр берилмаганинг ўзиёқ – бу асарда Абусаид Мирзо фақат бошқа шоирлар муносабати билан, масалан, Кобулий, Лаълий ва Ибн Лаълийларнинг *қотили сифатида тилга олинганлиги (таъкид бизники – Э.Н.)* – шоирнинг унга берган салбий баҳосининг нишонаси эканлигини айтиб, “Муншаот”да Навоийнинг Абусаид Мирзо ҳақида ёзганларини келтиради: “Рўзгори(ни)нг салоҳи фасодқа ён”ганлиги ва “афъоли(ни)нг покизалиги нопокликка айлан”ганлиги учун Абусаиднинг номи “Мажолис ун-нафоис” дафтарида фазл ва таъъ аҳли чаргасидин” чиқарилганлигини исбот сифатида келтиради. Кўринадики, адабиётшунос олим Ҳазрат Навоий табиатидаги нозикликнинг Бобур таърифлаганидек, “жиббий” – “туғма” эканлигини моҳирлик билан кўрсата олган. Фасл сўнгида эса мулоҳазалар яқунланиб, тегишли хулосаларга келинади.

